

**ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТИКА ВА ОММАВИЙ  
КОММУНИКАЦИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.30.08.2018.Fil.14.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ДОНИЁРОВ САЛИМ МУСУРМОНОВИЧ**

**МЕДИАКОНВЕРГЕНЦИЯ ШАРОИТИДА ГАЗЕТАЛАР  
ТАҲРИРИЯТЛАРИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ЎЗИГА ХОС  
ХУСУСИЯТЛАРИ**

**(Ўзбекистон мисолида, 2010 йилдан кейинги давр)**

**10.00.09 – Журналистика (филология фанлари)**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент– 2019**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
филологическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on  
Philological sciences**

**Дониёров Салим Мусурмонович**

Медиаконвергенция шароитида газеталар таҳририятлари ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари (Ўзбекистон мисолида, 2010 йилдан кейинги давр)..... 3

**Дониёров Салим Мусурмонович**

Особенности развития редакции газет в условиях медиаконвергенции (на примере Узбекистана, период после 2010 года).....23

**Doniyorov Salim Musurmonovich**

Peculiarities of newspaper editorial offices under media convergence (in the example of Uzbekistan, 2010 and to this period).....41

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works .....46

**ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТИКА ВА ОММАВИЙ  
КОММУНИКАЦИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.30.08.2018.Fil.14.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ДОНИЁРОВ САЛИМ МУСУРМОНОВИЧ**

**МЕДИАКОНВЕРГЕНЦИЯ ШАРОИТИДА ГАЗЕТАЛАР  
ТАҲРИРИЯТЛАРИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ЎЗИГА ХОС  
ХУСУСИЯТЛАРИ**

**(Ўзбекистон мисолида, 2010 йилдан кейинги давр)**

**10.00.09 – Журналистика (филология фанлари)**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент– 2019**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Fil250 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзб, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.uzjoku.uz](http://www.uzjoku.uz)) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz) да жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Мўминов Файзулла Абдуллаевич**  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Раҳмонов Насимхон Асқарович**  
филология фанлари доктори, профессор

**Нишоновна Гулнора Усмоновна**  
филология фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**  
**ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси**

Диссертация ҳимояси «\_\_\_»\_\_\_\_\_ 2020й. соат\_\_\_да Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.30.08.2018.Fil.14.01 Илмий кенгаш қошидаги Илмий кенгаш йиғилишида (Манзил:100017, Тошкент ш., Марказ-5, 88-уй. Тел.: (99871) 207-09-06; e-mail: [journalism.univer@gmail.com](mailto:journalism.univer@gmail.com).) ўтказилади.

Диссертация билан Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (Манзил:100017, Тошкент ш., Марказ-5, 88-уй. Тел.: (99871) 207-09-06); e-mail: [journalism.univer@gmail.com](mailto:journalism.univer@gmail.com)).

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_\_»\_\_\_\_\_да тарқатилди.  
(2019 йил «\_\_\_»\_\_\_\_\_даги №\_\_\_ тарқатиш баённомаси реестри).

**Ф. А. Мўминов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, филология фанлари доктори, профессор

**Н. Ф. Муратова**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, филология фанлари номзоди, доцент

**К. Т. Ирнazarов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тарих фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон медиамаконида анъанавий оммавий ахборот воситалари, хусусан, босма нашрларнинг ҳозирги ҳолати ва келажаги энг кўп муҳокама қилинадиган мавзулардан бирига айланди. Янги ахборот технологияларининг шиддат билан ривожланиши, интернетнинг барча соҳаларга кириб келиши натижасида босма ОАВга қизиқиш сусайиши ва улар ададларининг маълум даражада пасайиши кузатилмоқда. Бундай вазиятда дунё миқёсида босма нашрларнинг келгусидаги фаолиятини ривожлантиришда медиаконвергенция янги ва муҳим босқич эканлиги таъкидланмоқда.

Халқаро медимаконида конвергенцияга ўзига хос эволюцион жараён сифатида қаралапти. Шу сабабли ахборотни олиш, тўплаш ва узатишда рақамли технология устувор аҳамият касб этмоқда. Бундай вазиятда соҳадаги мавжуд босма ОАВ таҳририятлари мультимедиа концернларига айланаяпти. Бугун веб-ресурслардан фойдаланувчилар сони газета ўқувчилари сонидан ўнлаб баробар кўплиги кузатилмоқда. Мобил ечимлар ва интернетнинг барча соҳага шиддат билан кириб бориши натижасида нафақат газета, балки медиа-реаллик ҳам буткул ўзгармоқда. Ушбу йўналишдаги муаммоларни ўрганиш, тадқиқ этиш юзасидан аниқ назарий хулосалар чиқариш зарурати мавзунинг долзарблигидан далолат беради.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда матбуот эркинлиги ва оммавий ахборот воситаларининг жадал ривожланиши учун барча шарт-шароитлар ва мустаҳкам ҳуқуқий база яратилди. Замон талабларидан келиб чиқиб, ОАВга бўлган муносабат ҳам ўзгармоқда. Бугунги журналистиканинг ҳозиржавоб, тезкор ва медиасаводхон кадрларга ҳар қачонгидан ҳам эҳтиёжи баланд, талаблари жиддий. Шунинг учун ҳам республикамизда медиаконвергенцияни жорий этиш масаланинг энг оптимал ечимларидан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, ОАВ соҳасидаги ютуқларни, журналистиканинг илмий-назарий асослари ва замонавий медиатеchnологияларни ҳар томонлама ўрганиш ва татбиқ этиш халқаро стандартлар даражасидаги юқори малакали кадрлар тайёрлашга хизмат қилади. Бу эса Ўзбекистон журналистикасининг жаҳон ахборот майдонида муносиб ўрин эгаллаши учун мустаҳкам пойдевор яратади<sup>1</sup>. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ–4947-сонли Фармони<sup>2</sup>, «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги ва «Оммавий ахборот воситалари

<sup>1</sup> Президент Республики Узбекистан Шавкат Мирзиёев: Работникам печати и средств массовой информации. URL: <http://xs.uz/ru/post/rabotnikam-pechati-i-sredstv-massovoj-informatsii>, 27.07.2019.

<sup>2</sup> Указ Президента Республики Узбекистан Ш.М. Мирзиёева «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан». URL: <http://lex.uz/docs/3107042>, 20.11.2017;

тўғрисида»ги Қонунлар<sup>3</sup> ва бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг 1. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Конвергенция жараёнлари С. Куин, Д. Фишер, А. Грант, Ж. Уилкинсон каби хорижий тадқиқотчиларнинг асарларида назарий жиҳатдан маълум даражада ўрганилган<sup>4</sup>, М. Люки, М. Бриггсларнинг қўлланмаларида мультимедиа контентини яратиш ва тарғиб қилиш билан боғлиқ масалалар ёритилган.<sup>5</sup>

Россиялик айрим тадқиқотчилар ҳам ушбу мавзу доирасида шуғулланишган. Хусусан, ушбу мавзуга Э. Вартанова биринчилардан бўлиб мурожаат қилган<sup>6</sup>. 1999 йилда унинг «ОАВ конвергенцияси нимага олиб келади?» сарлавҳали мақоласи чоп этилди<sup>7</sup>. М. Лукина, А. Калмиков ва А. Коханова, С. Машкова муаллифлигидаги ўқув қўлланмаларда ҳам тармоқ медиаларининг ўзига хослиги, тахририят фаолиятига АКТ-технологияларини жорий этиш ўрганилган<sup>8</sup>. А. Амзин тадқиқотида конвергент тахририят журналистига зарур бўладиган кўникмаларни шакллантириш бўйича амалий маслаҳатлар берилган<sup>9</sup>.

Е. Баранованинг туркум мақолалари медиаконвергенциянинг турли қирраларини очишга қаратилган<sup>10</sup> ушбу олимнинг тадқиқотлари асосида дарслик ҳам чоп этилган<sup>11</sup>.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг Қонуни «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида». URL: <http://lex.uz/docs/9540>, ЎРҚ-402-І-сон 24.04.1997, 12.02.2017. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида». URL: <http://lex.uz/docs/1106870>, ЎРҚ-78-сон 15.01.2007.

<sup>4</sup> Quinn S. *Convergent Journalism: The Fundamentals of Multimedia Reporting*. New York: Peter Lang, 2005; Fisher D., Grant A., Wilkinson J. *Principles of Convergent Journalism*. N.Y.: Oxford University Press, 2008; Grant A., Wilkinson J. *Understanding Media Convergence*. N.Y.: Oxford University Press, 2008.

<sup>5</sup> Luckie M. *The Digital Journalist's Handbook*. Lexington: Create Space, 2010; Briggs M. *Journalism Next: A Practical Guide to Digital Reporting & Publishing*. Washington, D.C.: CQPress, 2009.

<sup>6</sup> Вартанова Е.Л. К чему ведет конвергенция СМИ? М.: Информационное общество, 1999. С. 11-14.

<sup>7</sup> Интернет-СМИ. Теория и практика: Учебное пособие для студентов вузов / Под ред. М. Лукиной. М.: Аспект Пресс, 2010.

<sup>8</sup> Калмыков А.А., Коханова Л.А. Интернет-журналистика. Учебное пособие для студентов вузов, обучающихся по специальности 021400 «Журналистика». М: ЮНИТИ-ДАНА, 2005; Машкова С.Г. Интернет-журналистика: Учебное пособие. Тамбов: Тамбовский государственный университет, 2006.

<sup>9</sup> Амзин А.А. Новостная интернет-журналистика. М.: Аспект-Пресс, 2013.

<sup>10</sup> Баранова Е.А. Конвергенция СМИ глазами российских журналистов-практиков // Медиаскоп. 2010. № 4; Баранова Е.А. Особенности развития газетных редакций в условиях медиаконвергенции: автореф. дис....канд. филол. наук / Е. А. Баранова. Москва, 2011. URL: <http://www.mediascope.ru/node/769>, 16.04.2018; Баранова Е.А. Конвергентная журналистика. Теория и практика. Учебное пособие для бакалавриата и магистратуры. М.: Юрайт, 2014.

<sup>11</sup> URL: <http://www.mediascope.ru/node/22421>, 16.04.2018.

Ф. Мўминов, Х. Дўстмуҳаммад, М. Худойқулов, Ф. Мўминова, Ё. Маматова, К. Ирназаров, Д. Рашидова, О. Абдуазимов, Ш. Қудратхўжаев, Н. Муратова, Н. Қосимова, А. Матёқубов каби юртимиз олимларининг интернет ҳамда ижтимоий журналистика йўналишида бир қатор тадқиқотлари эълон қилинган<sup>12</sup>. Бироқ бу изланишларда медиаконвергенциянинг хусусиятлари монографик жиҳатдан тўлиқ қамраб олинмаган, таҳририят ва журналистлар фаолиятидаги асосий тенденциялар етарлича таҳлил қилинмаган.

**Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот мавзуси Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети Халқаро журналистика назарияси ва амалиёти кафедраси илмий тадқиқотлар режасига киритилган ҳамда тасдиқланган.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Ўзбекистон босма оммавий ахборот воситаларининг ривожланиши ва нашрларнинг амалиётга самарали татбиқ этишга тайёрлиги даражасини медиаконвергенция шароитида ёритиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифаси:**

ахборот, тамойиллар ва концепцияларни етказиб беришнинг янги усуллари, рақамли матбуот ривожланишининг қонуниятларини очиб бериш;

медиаконвергенцияни ОАВдаги бошқа эволюцион жараёнлар билан ўхшаш қирраларини аниқлаб, унинг ҳодиса сифатида асосий хусусиятларини ёритиш;

Ғарб мамлакатлари ва Осиё минтақаси давлатларида конвергент медианинг пайдо бўлиши ва ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиш;

медиаконвергенцияни жорий этишда техник ноу-хауни ривожлантириш ва кенг жорий этишнинг таъсирини ўрганиш;

медиаконвергенция шароитида Ўзбекистоннинг қатор ижтимоий-сиёсий, тармоқ, минтақавий ва хусусий нашрлари фаолиятининг турли жиҳатларини умумлаштириш ва таҳлил қилиш;

<sup>12</sup> Интернет журналистика (Интернетда радио ва телевидение). Илмий мақолалар тўплами // Масъул муҳаррир Ф. Мўминов. – Т.: MRS-Tashkent, 2005; Дўстмуҳаммад Х. Журналистнинг касб одоби муаммолари: назарий-методологик таҳлил (Монография). – Т.: Янги аср авлоди, 2005; Глобаллашув даври ва ахборот макони //Ўзбекистон матбуоти, 2007. – № 3. – Б. 12-14; Рашидова Д. Особенности формирования Интернетовской журналистики, и специфика Интернет в качестве глобального СМИ: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Т.: НУУз, 2002; Интернет в Узбекистане: возможности и проблемы. – Т.: Zar-Qalam, 2003; Рашидова Д.К., Азимов Ж.Н. СМИ в Интернет и освещение законодательной деятельности интернет-журналистикой. Метод. пособие. – Т., 2006, Қудратхўжаев Ш. Интернет тарихи, тузилиши, техник хавфсизлик. Ўқув-услубий қўлланма. – Т.: Ўзбекистон, 2011; Қудратхўжаев Ш. Журналист фаолиятида Интернетдан фойдаланиш. Услубий қўлланма. – Т.: Ўзбекистон, 2011; Абдуазимов О.У. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини барпо этишда матбуотнинг ўрни: ижтимоий фикр мониторинги: Социол. фан. ном. ... дисс. автореф. – Т.: ЎзМУ, 2007; Абдуазимов О.У. Ахборотлашган жамиятда жамоатчилик фикри мониторингини таъминлашда оммавий коммуникациялар социологиясининг ўрни (Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларининг 2001–2016 йиллардаги материаллари мисолида): Социол. фан. доктори (DSc) дисс. автореф. – Т.: ЎзМУ, 2017; Муратова Н.Ф. Журналистика в Интернет: особенности on-line изданий Узбекистана и их функционирование в условиях глобального информационного рынка: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Т.: НУУз, 2011.

хорижий тадқиқотчиларнинг тавсиялари ва ўз изланишларимиз асосида мамлакатимиз ОАВ таҳририятида фаолият юритаётган замонавий мультимедиа журналистига қўйиладиган талаблар доирасини аниқлаш, журналистлик амалиётини такомиллаштириш йўллариини таклиф этиш;

конвергент таҳририятларда мультимедиа нашрларини тайёрлашнинг хусусиятлари ва босқичларини таҳлил қилиш;

маҳаллий журналистларнинг янги воқеликдаги фаолиятига оид асосий тенденцияларни ажратиб кўрсатиш, талаб ва кўникмалар бўйича энг долзарб фикр ва тавсияларни бериш.

**Тадқиқот объекти** — Ўзбекистон босма оммавий ахборот воситалари ва уларда медиаконвергенция жараёнларидан иборат.

**Тадқиқот предмети** ҳозирги даврда Ўзбекистон босма ОАВларнинг конвергенция шароитида фаолият олиб бориш хусусиятлари, бу борада самарали ёндошувлар ва истиқболли тенденцияларни илмий-назарий жиҳатдан ёритишдан иборат.

**Тадқиқот усуллари** тарихий, қиёсий, статистик таҳлил кабилардан иборат бўлиб, хронологик ва тизимлилик тамойилига асосланган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:**

медиаконвергенциянинг тадрижий тараққиётида Ғарб кўпроқ универсаллашув ва ижодий хилма-хилликка, Шарқ эса анъаналар ва урф-одатларга таяниши конкрет мисолларда илмий жиҳатдан асослаб берилган;

конвергент таҳририятларнинг бугунги кунда шаклланиш жараёнлари ретроспектив таҳлил ва идентификация қилинган;

Ўзбекистон медиа муҳитида конвергент таҳририятни самарали шакллантириш ва ривожлантиришнинг асосий моделлари, унинг тузилмавий хусусиятлари ишлаб чиқилган;

медиаконвергенция шароитида ОАВнинг шакли, услуби ва мазмунини тақдим этишга доир асосий талаблар шакллантирилган;

«янги медиа» аудиторияси учун рақобатлаша оладиган «универсал журналист»га оид энг муҳим профессионал тавсия ва талаблар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари:**

ОАВ фаолиятининг айрим жиҳатларини замонавий шароитларда такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

конвергент ОАВ аудиториясининг ахборот эҳтиёжлари ва самарали мулоқот бўйича энг муҳим илмий-назарий қарашлар очиб берилган;

янги давр таҳририятлари ва журналистлари эга бўлиши керак бўлган хусусиятлар аниқланган ва умумлаштирилган;

республика давлат ОАВнинг таҳририятларининг онлайн-сегментда иштирок этишини ривожлантиришни жадаллаштиришга доир йўл-йўриқлар берилган;

назарий тадқиқотлар асосида «Халқ сўзи», «Народное слово», «Правда Востока» республика газеталари сайтлари ташқи кўринишини



такомиллаштириш, ички мазмунини мукамаллаштириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган. Шу мақсадда газеталарнинг электрон версиялари алоҳида ОАВ сифатида қайта рўйхатдан ўтказилган, порталлар бренди ва дизайни ўзгартирилган, ижтимоий тармоқлар ва мессенжерларда аккаунтлари очилган.

**Олинган натижаларнинг ишончлилиги** дунёда тараққий этган давлатлар олимлари томонидан эълон қилинган, илмий жамоатчилик эътироф этган илмий изланишлар натижалари назарий ва услубий асос бўлгани, мавзу таҳлиллар тарихий, ижтимоий, қиёсий усуллар асосида ўрганилганлиги ва хулосаларнинг амалиётга жорий қилинганлиги ҳамда амалий натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан аниқланади.

**Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти** олинган натижаларнинг веб-ресурслардаги, ижтимоий тармоқлардаги журналистиканинг шаклланиши, фаолият йўналишлари ва ўзига хосликлари борасидаги мавжуд қарашлар ва маълумотларни тўлдириши, шунингдек, маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари фаолияти мисолида ижтимоий тармоқлардаги назарий асосларни ўрганишнинг кенг имкониятларини юзага чиқариши билан белгиланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, диссертация материалларидан журналистика, фалсафа, хусусан, социология фанлари бўйича дарслик ва ўқув қўлланмалар яратишда, тавсиялар ишлаб чиқишда, битирув малакавий ишлари ва магистрлик диссертацияларини бажаришда, маъруза ва семинар машғулотларини ўтказишда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Медиаконвергенция шароитида газеталар таҳририятлари ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари бўйича олинган илмий хулосалар, амалий таклиф ва тавсиялар асосида:

Ўзбекистонда конвергент таҳририятни шакллантириш ва ривожлантириш бўйича таҳлиллар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Правда Востока» газетаси таҳририяти томонидан кенг фойдаланилган (2019 йилнинг 18 январ санасидаги 19-сонли баённома билан тасдиқланган жорий этиш далолатномаси). Натижада «янги медиа» аудиторияси учун рақобатлаша оладиган «универсал журналист» тайёрлаш ишларининг йўлга қўйилиши ҳамда нашрнинг веб-сайти (<http://pv.uz>) тўлиқ янгиланишига хизмат қилган;

конвергент ОАВ аудиториясининг ахборот эҳтиёжлари, нашрлар ўқувчилари билан самарали мулоқотни йўлга қўйишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Сенати ва Вазирлар Маҳкамасининг «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари таҳририяти томонидан фойдаланилган («Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари таҳририятининг 2019 йил 5 апрелдаги 92-сон маълумотномаси). Натижада газеталар веб-сайтлари (<http://xs.uz> ва <http://narodnoeslovo.uz>) янгиланишига

ва тахририят журналистларининг малакасини ошириш бўйича ишларнинг йўлга қўйилишига хизмат қилган;

конвергент тахририятларнинг шаклланиш жараёнлари бўйича таҳлиллардан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Сенати ва Вазирлар Маҳкамасининг «Овози тоҷик» газетаси журналистларининг билим ва кўникмаларини ошириш ва нашр веб-сайтини (<http://ovozitojik.uz>) ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Вазирлар Маҳкамаси «Овози тоҷик» газетаси тахририятининг 2017 йил 11 сентябрдаги 85-сон хати). Натижада ходимларнинг техник ва коммуникатив воситалардан фойдаланиш кўникмаларини янада оширишга хизмат қилган;

Конвергенция шароитида оммавий ахборот воситаларининг шакли, услуби ва мазмунини тақдим этишга доир асосий талабларни шакллантириш бўйича тавсиялардан Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти томонидан илмий-амалий манба сифатида фойдаланилган (Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг 2018 йил 24 сентябрдаги 01/414-1-сон маълумотномаси). Натижада институт томонидан журналистлар фаолиятининг ижодий ва техник чексизлигини ўрганиш ҳамда уларнинг янги билим ва кўникмаларга эга бўлиши, ижтимоий тармоқларда иш юритишда самарадорликка эришишга доир ишларнинг йўлга қўйилишига хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг синовдан ўтиши.** Тадқиқот натижалари 8 та илмий-амалий анжуман ва семинарларда, хусусан, 3 та халқаро ва 5 та республика даражасидаги синов ва муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.**

Диссертация мавзуси бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан PhD диссертациясининг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, улардан 5 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, 3 асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати билан жами 159 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш қисмида** мавзунинг долзарблиги ва зарурлиги асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва мавзуси аниқланган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг асосий йўналишларига мослиги кўрсатиб ўтилган, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган. Олинган натижаларнинг ишончлилигига асосланиб, уларнинг амалий ва назарий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш,

синовдан ўтказиш, эълон қилинган ишлар ва тадқиқот тузилмаси ҳақида маълумот берилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Рақамли матбуотни ривожлантириш: ахборот беришнинг янги усуллари, тамойиллари ва тушунчалари**», деб номланади. Унда рақамли матбуотни ривожлантиришнинг назарий методологик асослари, «медиаконвергенция» тушунчаси ва унинг аҳамияти, уни шакллантириш воситалари, шунингдек, ушбу ҳодисанинг турли кўринишлари туфайли соҳада юзага келадиган муаммолар атрофлича тадқиқ этилади.

Табиийки, ахборот, унинг алмашинуви ҳар қандай тирик мавжудот ҳаётида – инсондан тортиб жониворлару ўсимликкача – муҳим роль ўйнайди. Ўзбек олими, филология фанлари доктори М. Худойкуловнинг таъкидлашича, инсоният жамиятида ахборот (информация) алмашинуви катта аҳамиятга эгадир. Информация сўзи лотинча “Informare» – тасвирлаш, бирон нарса ҳақида тушунча бериш, деган маънони англатади. Аммо унинг асл мазмуни бу тушунчадан кенгроқ бўлиб, умуман тириклик, ҳаёт маъноси билан туташиб кетади, яъни у модданинг яшаш тарзи, хусусиятидан келиб чиқувчи ҳосила бўлиб, моддалар орасидаги ўзаро муносабат, бир-бири билан алоқа қилиш ва бир-бирига таъсир этиш воситаси ҳисобланади<sup>13</sup>.

Замонавий ОАВ қатор янги тавсифларга эга. Улар ўзининг интерактивлиги, мультимедиавийлиги, гипер сўзма-сўзлиги, ахборотнинг рақамли шаклга айлантирилиши, ресурснинг кенг медиамаконига тегишлилиги ва ҳоказолар билан ажралиб туради. Бунда янги форматдаги ОАВ бир вақтнинг ўзида ана шундай белгиларга эга бўлиши муҳим. Медиабозор тадқиқотчилари замонавий ОАВнинг универсал хусусиятларини бирлаштирадиган медиаконвергенция ҳодисаси ҳақида тобора кўпроқ гапирмоқдалар.

Медиаконвергенция таҳририят фаолиятидаги янги воқеликлар натижасидир. Агар тарихга мурожаат қиладиган бўлсак, XVII аср бошларидан XX аср охирига қадар пайдо бўлган босма нашрлардаги газеталарнинг мустақил бўлганини тушуниш мумкин. Газета вақтли матбуотининг мавжуд тузилишига бошқа турдаги ОАВ — журналлар, радио ва телевидение сезиларли таъсир кўрсата олмади. Фақат XX ва XXI асрларда юқори технологияларнинг пайдо бўлиши ва жорий этилиши туфайли ахборот узатиш усулларида ўзгаришлар юзага келди, ривожланиш тушунчалари ва тамойиллари ўзгарди.

Канадалик файласуф, оммавий коммуникациялар тадқиқотчиси, «Гуттенберг Галактикаси: босма қилувчи одамнинг шаклланиши»<sup>14</sup> ва «Медиани тушуниш: инсоннинг ташқи кенгайиши»<sup>15</sup> китоблари муаллифи

<sup>13</sup> Худойкулов М. Журналистика ва публицистика. Т.: ТАФАККУР, 2010. Б. 7.

<sup>14</sup> McLuhan M. The Gutenberg Galaxy: The Making of Typographic Man. Toronto: University of Toronto Press, 1962.

<sup>15</sup> McLuhan M. Understanding Media: The Extensions of Man. N.Y.: McGraw Hill, 1964.

Маршалл Маклюэн (Marshall McLuhan) янги рақамли технологиялар таъсири натижасида медианинг эволюциясини биринчи бўлиб башорат қилган эди.

Маклюэн, Стоун<sup>16</sup>, Стир<sup>17</sup>, Фишер, Грант ва Уилкинсон<sup>18</sup> каби назариётчилар газетанинг телевидение ва интернет билан рақобат қила олмаслигини айтишган. Аммо таҳлиллар шуни кўрсатадики, бугун янги воқеликда босма ОАВ ахборотни замонавий яратиш усуллари ва уни тарқатиш каналларидан муваффақиятли фойдаланиб, рақамли даврнинг илғор технологияларига мослаша олди.

Шунингдек, тадқиқот жараёнида газета таҳририятлари замонавий воқеликка мослашгани ва интернетда ўз каналлари ва веб-сайтларини юритаётгани аниқланди. Бу, шунингдек, уларнинг барча таниқли ижтимоий тармоқлар ва мессенжерларда, хусусан, Facebook, LinkedIn ва Google да ҳам ўз саҳифаларига эгалигида кўзга ташланади. Жаҳон статистикаси маълумотларига кўра, ана шу каби платформаларга бир ойда юз миллионлаб фойдаланувчилар бўлар экан. Ёки 2018 йилда ушбу кўрсаткичлар бўйича етакчилик WhatsApp мессенжерига тегишли бўлди: ҳар ойда WhatsApp мессенжерига янгиликлар каналларини яратиш имкониятлари билан бир миллион беш юз минг фаол фойдаланувчиларга эга бўлди.

Тадқиқотда мобил версия орқали ўқувчиларга сайт материалларига кириш имкониятини, сўнгги янгиликларни етказиб бериш хизматини, об-ҳаво маълумотларини, реклама маълумотларини ва бошқаларни таклиф этувчи ОАВга мисоллар кўриб чиқилган. Масалан, Испаниянинг «Эль Паис» нашри эксклюзив хизматларни ўзлаштиришда биринчилардан ҳисобланади. Ушбу нашр 2009 йилдаёқ мамлакатда биринчилардан бўлиб iPhone учун иловани ишга туширган. Шимолий Ирландияда чиқадиغان энг йирик «Белфаст Телеграф» (Belfast Telegraph) газетаси веб-сайтида сўнгги янгиликлар ёритилганини кўриш мумкин. Бу янгиликларни «Макмиллан медиа»<sup>19</sup> (мамлакатдаги етакчи онлайн-видеоконтент ишлаб чиқарувчилардан бири)нинг профессионал телевидение ходимлари тайёрлайдилар.

Конвергенция шароитида Буюк Британиядаги газета таҳририятлари ўз фаолликларини намойиш этмоқдалар. Веб-сайтларда аудио- ва видео контентдан фойдаланиб, улар бир вақтнинг ўзида контентни тарқатиш учун янги — мобил ва PDA версияларини, e-paper- ва kindle-платформалар каби медиа платформаларни қўллашмоқда. Шу билан бирга, 2010 йилдан бошлаб уларга iPhone ва iPad лар учун иловалар қўшилди. «Файнэншл таймс», «Таймс», «Дэйли телеграф», «Дэйли экспресс» ва «Сан» лар ўзларининг iPad-

<sup>16</sup> Stone M. The European Multimedia News Landscape, Media Report. N.Y.: Heerlen, 2002. P. 7.

<sup>17</sup> Steere M. The age of podcasting. How newsrooms in the United Kingdom are using the iPod revolution to their advantage. New Zealand: Robert Bell TS, 2008. P. 9.

<sup>18</sup> Fisher D., Grant A., Wilkinson J. Principles of Convergent Journalism. N.Y.: Oxford University Press, 2008. P. 28.

<sup>19</sup> URL: <http://www.belfasttelegraph.co.uk/video-news/video-amazing-drone-footage-of-5ton-tube-bridge-being-lowered-in-to-new-gobbins-cliff-path-scheme-near-larne-30685116.html>, 01.04.2016.

иловаларини ишлаб чиққан биринчи инглиз нашрлари бўлди. Натижада уларнинг ушбу ташаббуслари аудитория эътиборини мазкур нашрларнинг ижодий фаолиятига қаратди.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, инглиз газеталари йирик видеоканаллар ва онлайн-видео провайдерлари билан фаол ҳамкорлик қилмоқда. «Гардиан», «Дэйли мэйл», «Дэйли телеграф» ва «Индепендент» сайтларида Би-би-сининг видеоларини кўриш мумкин. «Индепендент» сайти «Франс 24» канали билан самарали ҳамкорлик қилмоқда, «Дейли телеграф» эса турли видеоконтентларни тақдим этадиган ITN канали билан ишлайди: янгиликлар хабарларининг таҳрир қилинган версиялари, шунингдек, газета веб-сайти учун махсус материаллар тайёрланади.

Тадиқотлар шуни кўрсатадики, АҚШ бу соҳада етакчилардан бири ҳисобланади. У ердаги кўплаб газета концернлари кўп тармоқли, бу эса журналистларнинг ижодий имкониятларини сезиларли даражада яхшилади. Бунинг сабабларидан бири XX аср бошларида газета компаниялари радиостанцияларни сотиб олиб, ўз мулкига айлантирди, 1950 йилдан бошлаб эса газета фирмалари телевизион бизнесга қизиқиб қолди ва ўзаро ижодий ҳамкорлик йўлга қўйилди. Бунинг замирида уларнинг ҳозирги босқичга мослашишга тайёрлиги намоён бўлади. Масалан, Америка нашрлари («Вашингтон пост», «Нью-Йорк Таймс», «Лос-Анжелес Таймс», «Чикаго трибьюн» ва бошқалар) узлуксиз циклли ахборот бўлимларини (Continuous News Desks) яратди. «Чикаго трибьюн»да бундай бўлим барча сўнги воқеаларни кузатиб борадиган репортёрлар ва таҳрирчилар гуруҳидан иборат. Тезкор янгиликлар суткасига 24 соат, ҳафтасига етти кун давомида намоиш этилади<sup>20</sup>. Бу эса, ўз навбатида, нашрнинг юқори даражадаги репортёрлик ишларини таъминлашга ёрдам беради.

Диссертациянинг иккинчи боби **«Шарқий вектор: техника ютуқлари медиаконвергенцияни тезлаштириш омилидир»**, деб номланади. Унда Шарқнинг газета таҳририятлари, жумладан, Япония, Сингапур, Малайзия, Таиланд, Хитой ва Марказий Осиё мамлакатлари газеталари таҳририятларида конвергенция шароитида журналистиканинг ривожланиш хусусиятлари кўриб чиқилади. Шу муносабат билан ушбу мамлакатлардаги кўплаб медиакомпанияларнинг АКТни жорий этиш суръатларига мутаносиб равишда инновацион технологиялардан фойдаланишга катта эътибор қаратаётгани диссертацияда изчил таҳлил қилинган.

Кўриб чиқилаётган мамлакатлар мисолида мобил алоқа ва кенг полосали интернетга уланиш даражаси юқоридир. Масалан, 2016 йил охирида Сингапурда деярли ҳар бир оила интернетга кириш имконига, оилаларнинг 79,8% кенг полосали интернет<sup>21</sup> га эга эди. Дастлаб сайтни ишга туширган, сўнг очиқ тизимли смартфонлар («Apple» маркасидан ташқари барчаси учун) орқали кириш мумкин бўлган иловага асос солган Сингапурнинг «Singapore

<sup>20</sup> URL: <http://www.chicagotribune.com>, 01.03.2016.

<sup>21</sup> Quinn S. Asia's Media Innovators. Singapore: Konrad-Adenauer-Stiftung, 2008. P. 27–28.

Daily Digest» нашри нафақат мамлакат медиабозорида ўз нуфузини йўқотмади, аксинча, бу нашр глокаллашишга мисол бўлиб, оддий маҳаллий нашрдан глобал нашрга айланди, натижада нашрнинг адади ҳам ошди. Статистика маълумотларига кўра, эндиликда бошқа мамлакатлар аҳолисининг ҳам деярли 40 фоизи мазкур нашр сайтига киради.

Малайзияда мобил алоқа тарқалиши даражаси 2016 йилда 84 фоизга етди, 2005 йилда бу кўрсаткич 50 фоизга тенг бўлган. Мамлакатда кўпчилик фуқароларлар бир нечтадан телефонга эга. Интернет тармоқларидан фойдаланувчилар кўрсаткичлари ҳам ошиб бормоқда: 2017 йил ҳолатига кўра, интернет фойдаланувчилари сони 24 554 255ни ташкил этди (бу аҳоли умумий сонининг 78,8 фоизидир)<sup>22</sup>. Яъни, телефон алоқаси билан қамраб олинганлар бир вақтнинг ўзида фаол интернет-фойдаланувчи ҳам ҳисобланади. Бу маҳаллий босма нашрларда медиаконвергенциянинг ривожланиши учун муҳим ва мустаҳкам асос бўлди. Бунга мисол сифатида «Berita Narian»нинг фаолиятини келтириш мумкин. Унинг онлайн-версияси, ижтимоий тармоқларда профиллари ва мессенжерларда каналлари бор. 2018 йилдан бошлаб яна бир нашр бўлими янги режимда иш бошлади — бу нашр ҳар бир неча дақиқада янгиланиб турадиган янгилликлар тўпламига эга «Sinar Narian»дир. Мутахассисларнинг таъкидлашича<sup>23</sup>, ўз ишчанлиги ва тезкорлиги сабабли сўнгги ресурс мамлакатнинг босма нашрларга алоқаси бўлмаган электрон ресурсларига салбий таъсир ўтказди.

Токио шаҳрида нашр этиладиган «Асахи Симбун» (Asahi Shimbun) Япониянинг энг йирик газеталаридан биридир. У турли минтақавий ва спорт мавзусини ёритадиган нашрлар, шунингдек, «Асахи Нэшнл Бродкастинг Компани» (Asahi National Broadcasting Company) ва бошқа эфирга узатувчи компанияларни ўз ичига олган «Асахи Групп» (Asahi Group) таркибига киради. «Асахи Симбун» мобил контент бозорида етакчи ҳисобланади.

Жанубий Корея нашрлари ҳам замон талабларига жавоб беради. Мамлакатнинг энг йирик— Чосун (Chosun), Кёкнганг (Kyunghyang), Фокус (Focus) ва Тонг-А (dongA) газета нашрлари давлатга тегишли ва айни пайтда катта даромад келтиради, молиявий жиҳатдан ўз-ўзини бир неча бараварга оқлайди<sup>24</sup>. Уларнинг бундай натижаларга эришишига эса технология интеграцияси ва медиаконвергенция шароитида фаолият олиб боришга тайёр туриш имкон берди. Нашрларнинг барчасида турли платформалар учун веб-сайтлар ва мобил иловалар мавжуд (Android, iOS, WindowsPhone).

Марказий Осиё республикаларида медиасферанинг турфа хил эканига қарамасдан, ОАВ учун умумий ҳисобланган жараёнлар кузатилмоқда. Бу, биринчи навбатда, мономедиадан мультимедиага ўтиш, шунингдек, мулоқотнинг янги шакли бўлган интерфаолликнинг кенг жорий қилинишидир. Шу билан бирга, глобаллашув жараёнларини назарда тутган

<sup>22</sup> URL: [https://ru.wikipedia.org/wiki/Список\\_стран\\_по\\_числу\\_пользователей\\_Интернета](https://ru.wikipedia.org/wiki/Список_стран_по_числу_пользователей_Интернета), 24.10.2019.

<sup>23</sup> Markins B. Into the Asian media secrets. United Kingdom: Knowledge Press, 2018. P. 98.

<sup>24</sup> URL: <http://www.chosunonline.com>, 16.07.2017.

ҳолда, янги рақамли технологиялардан фойдаланишда ахборот маҳсулотларини узатиш параболаси ўзгаришини ҳам ҳисобга олиш керак. Ўзбекистоннинг конвергент журналистикасидаги тенденцияларни ўрганишда эса Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистондаги ҳодисаларни ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Статистика маълумотларига кўра, Қозоғистонда ОАВнинг 85 фоизи хусусий, 15 фоизи давлатга қарашлидир. Медиабозорнинг катта қисмини медиагигантлар — бюджетдан тўлиқ молиялаштирилувчи ва натижада давлат сиёсатини ёритадиган давлат холдинглари ташкил этади. Бутун мамлакатни интернетлаштириш фаол кечмоқда. Интернет-фойдаланувчилар сони тез ўсаяпти. Масалан, 2019 йил бошида қатъий интернет абонентлари сони 2,5 млн бирликни ташкил этди. Юқори тезликдаги кенг полосали уланишдаги қатъий интернетнинг улуши 98,4 фоиз<sup>25</sup> ни ташкил этди.

Қирғизистонда бир нечта маҳаллий ижтимоий тармоқлар мавжуд бўлиб, уларнинг нисбатан оммавийлиги мамлакатда хостинг хизматининг бепул эканлиги билан изоҳланади. Шунга қарамай, бу давлатда «Одноклассники», «Фейсбук», «Вконтакте» энг оммабоп ижтимоий тармоқлардан бўлиб қолмоқда. «Одноклассники» ижтимоий тармоғи Қирғизистонда кўпроқ оммавий бўлиб, унда мамлакатнинг барча етакчи нашрларининг – «Вечерний Бишкек», «Слово Кыргызстана», «Супер инфо» ва бошқаларнинг веб-саҳифалари мавжуд. Умуман олганда, бундай ҳолатни, шубҳасиз, минтақанинг ўзига хос хусусияти<sup>26</sup> деб аташ мумкин. Ҳукумат босма нашрлари — ўтган асрнинг 20-йиллари бошларида ташкил этилган рус тилидаги «Слово Кыргызстана» ва қирғиз тилидаги «Қырғыз туусу» газеталари бугунги кунда ҳам ўз мақомини йўқотмаган, аммо бу нашрларнинг ададлари — 5 мингдан 7 минг нусхагача, холос.

Тожикистонда расмий рўйхатдан ўтган 268 та газета чоп этилади, улардан 56 таси — давлат, 136 таси — хусусий, 36 таси — жамоат ва 39 таси тармоқ нашрларидир. Мамлакатда 136 журнал ҳам чоп этилади, улардан 12 таси — давлат, 49 таси — хусусий, 23 таси — жамоат ва 52 таси тармоқ нашрлари ҳисобланади. Бугун Тожнет (Тожикистон миллий интернет провайдери)нинг энг машҳур сайтлари — мамлакат ахборот агентликларининг сайтларидир. Улар орасида «Азия-плюс» ахборот агентлиги, кейин «Озоди» радиоси (тожик тилидаги «Озодлик» радиоси) ва «Авеста»<sup>27</sup> ахборот агентликларининг сайтлари етакчилик қилмоқда. Мазкур агентликлар Тожнетнинг ушбу тоифаси сайтлари ташриф буюриш рейтинглари бўйича қатъий ўринларга эга. Ахборот агентликлари АКТ имкониятларидан фойдаланишнинг афзалликларини бошқалардан кўра тезроқ тушунишди. Ва фақат сўнгги йилларда айрим босма нашрлар,

<sup>25</sup> URL: <https://www.zakon.kz/4964059-chislo-abonentov-fiksirovannogo>, 16.07.2017.

<sup>26</sup> URL: <https://www.msc.kg/ru/partnery/media-npo-kyrgyzstana>, 16.07.2017.

<sup>27</sup> URL: <https://www.polpred.com/?cnt=153&cat=5>, 13.04.2017.

жумладан, «Азия-плюс» газетаси ҳам, интернет-аудиториянинг бир қисмини камраб олишни мақсад қилган.

Шу нуқтаи назардан, бошқа мамлакатлар билан соҳадаги параллелликларни келтириб, таъкидлаш мумкинки, Ўзбекистон медиасфераси глобал ахборот макони билан уйғунлашган ОАВнинг кенг тарқалган электрон «учлиги» - телевидение, радио ва интернет орқали тақдим этилади. Конвергенция жараёнида ушбу рўйхат кенг тарқалган «электрон газета» билан сезиларли тўлдирилди. 2000 йилдан эътиборан нисбатан тезкор маълумотларни матн кўринишида экранга чиқариш амалда электрон газета деб ҳисоблана бошланди. Кейинчалик электрон нашрлар ОАВнинг янги турига айланди ва интернет кенг миқёсдаги оммавий ахборот воситаси сифатида қарала бошланди.

Электрон тармоқни оммавий ахборот воситаси сифатида тадқиқ этишни икки йўналишга бўлиш мумкин. Биринчи йўналишда электрон ОАВга тематик, мақсадли ёки бошқа хусусиятлар бўйича бўлинадиган аниқ тузилмага эга барча тармоқ майдони киради. Иккинчи йўналишда электрон ОАВга профессионал журналистлар томонидан юзага келтирилган газеталар, журналлар, ахборот агентликлари киритилади ва улар, ўз навбатида, босма нашрларнинг электрон версияларига ва электрон нашрларга бўлинади.

Учинчи боб **«Медиаконвергенция шароитида журналистлар фаолиятининг ўзгариши»**, деб номланган. Ушбу бобда кўриб чиқилган масалалар юзасидан тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган. Бунда медиаматннинг ўзига хос хусусияти сифатида унинг турли вербал ва новербал кодларни яхлит коммуникатив бутунликка бирлаштириши ўрганилган. Медиаматн маълум универсал хусусиятларга эга бўлди. Матнни классик матн, овозли ва ҳатто, сурат кўринишига эга бўлган турли медиатузилмалардан иборат деб қараш мумкин. Конвергенция шароитида вербал, визуал ва кўп қатламли медиаматн имкониятлари ва қуввати сезиларли даражада ошади. Конвергент жараёнлар бир қатор коммуникатив муҳитнинг ўзаро боғланишларини юзага келтиради. Бу ўз навбатида, интернетнинг мультимедиа муҳити, шахслаштирилган алоқа стратегияси субъектлар билан мулоқот қилиш имконини беради. Бу субъектлар журналистлар ва аудитория, коммуникатив актнинг бошқа иштирокчилари бўлиб, уларга алоқа шартларини, ўзаро манфаатлар ва эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда турли шакллардаги матнларни яратиш имконини беради.

Умуман олганда, анъанавий ОАВ конвергенцияси, замонавий ахборот технологиялари ва усуллари журналистнинг коммуникатив ва ижодий фаолиятининг аудиторияга йўналтирилганлигига сезиларли таъсир кўрсатади.

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, бугун босма ОАВнинг деярли барча турлари ўзининг интернет версиясига эга, яъни рақамли технологиялар ёрдамида яратилган даврий электрон нашрлар WWW муҳитида сайтлар сифатида ишламоқда. Уларнинг контентини эса босма



(офлайн) нашрлар матнлари ва виртуал муҳит туфайли ўзига хос хусусиятларга эга бўлган оригинал матнлар ташкил этади. Журналистнинг янги функциялари диапазони ҳар доим ҳам таҳририят ходимининг аввалги ижодий кўникмаларига мос келавермайди. Аксарият журналистлар анъанавий таҳририятни жамоавий меҳнат қилишнинг энг мақбул модели, деб ҳисоблашади. Аммо конвергент таҳририят ходимлари анъанавий тарзда илгари журналистлар эгаллаган ахборот маконини забт этган замонавий ахборот технологиялари билан рақобатлашишлари керак.

